

## БУЮК ТАРИХГА ЭГА ХАЛҚНИНГ МУҚАДДАС БАЙРОҒИ

Мухитдинова Фируза Абдурашидовна  
ТДЮУ, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва  
тарихи” кафедраси профессори,  
юридик фанлари доктори.,  
Сатторова Мұхаррам Абдураззоковна  
Тошкент шаҳар юридик техникуми  
кафедра мудири, юридик фанлар номзоди

**Аннотация:** Мақолада Давлат рамзи ҳисобланған байроқнинг аҳамияти, тарихи ва қонуний кафолатланғанлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган. Муаллифлар томонидан Давлат байроғининг аҳамияти, ўзбек давлатчилигидага тутган ўрни ҳамда халқаро ҳамжамиятда давлатнинг тимсоли сифатидаги мақоми қиёсий ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Давлат, рамз, байроқ, халқ, миллат, истиқбол.

Жорий йилда давлатимиз суверенитетининг рамзларидан бири — мустақил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандигига 32 йил тўлади.

Лекин ўзбек давлатчилиги тарихи узоқ минг йилларга эга бўлганидек, тарихимизда ҳам байроқ тарихи ҳақида манбалар мавжудки, бугун янги Ўзбекистонда яратилаётган ёш олимлар, ёшлар учун каттадан катта имкониятлар бу соҳадаги илмий тадқиқотларни талаб этади. Бу ҳақда ҳақли равишда давлатимиз раҳбарининг 100 минглаб қўлёзмалар ўз тадқиқотчиларини кутаётганлиги ҳақида таъкидлари ҳам ўринлидир.

Жумладан, мен “Давлат ва ҳуқуқ тарихи”, “Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” каби фанлардан ўқув машҳулотлари ўтганимда давлатларнинг вужудга келиши билан бирга улардаги тамҳлар, туғ, ялов, байроқ каби давлат нишони ҳақида гапирра эканман, айнан мазкур давлат тамғаларини олиб юришга ҳақли мансаблар ҳам вужудга келганини тарихий манбаларда ёшларга айтардим. Масалан, ilk ёзма манба “Авесто”да давлат ва уни бошқаришга оид маълумотлар ҳамда давлатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. “Авесто”да баён қилинган воқеалар асосан, “Арианам Вайжа” ёки Айранём Вайжа ҳам деб ёзилганки, айнан шу мамлакатда, яъни олимлар томонидан “Катта Хоразм” деб аталган давлатда рўй беради. Бу давлат Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Хвайрезм (Хоразм)ни ўз ичига олган. «Авесто» маълумотларига кўра, үруғ-«вис» (айрим қишлоқ жамоаси 185 та катта оила аъзоларидан иборат бўлган (75-90 киши)и қайд этилган.

Шунингдек, қадимги давлат бирлашмаларидан бири бўлмиш Бақтрия (Бахди) “Авесто”нинг “Видевдот” қисми 1-фрагардида “минг туғли - минг байроқли (хазаҳра драфша)” деган таъриф билан тилга олинган. Бундан ташқари “Авесто”да “шамолда ҳилпираған байроқлар ҳақида яъни “қонли ва кенг яловин баланд кўтарган қўшин”, “ёвнинг туғи” яъни байроқ, туғ маъносида қўлланилган. Алихонтўра Соғунийнинг “

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида темирчи Кованинг байроғи “шоҳ байроқ аталиб, зардан безалгани, гавҳару олмосдан мунчоқ қадалгани, иқбол туғининг бир томони сарик, кўк, бир ёғи қизил рангда” эканлиги қайд этилган.. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Сомонийлар давлатидаги ҳокимият рамзи сифатида байроқ тилга олинаган.

Кейинчалик қадимда қўлланилган туғлар давлат байроқларига, тамғаларда ўз ифодасини топганини Амир Темур давлатидаги тамғадаги уч халқа, доирада кўрамиз. Чунончи асарда “Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, унга уч нарса билан имтиёз берсинлар: фахрли хитоб, туғ ва ноғора топшириб, уни «баҳодир» деб атасинлар; уни давлат ва салтанат шериги (деб) билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар; унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирзодага шикаст етказса, ё бирор ўлка хонини мағлуб этса, уни юқоридаги тартибда мукофотласинлар. Чунончи, Даشت қипчоқقا, Ўрусхонга қарши үруш учун юборган амирим Ийгу Темур уни енгиб қайтгач, амирни мукофотлаб, унга туман (лашкар), туғ, байроқ ва ноғора бердим. Уни давлатимга шерик билиб, ўзимга маслаҳатчи ва вазир қилдим. Кенгашларимга киритдим ва чегарадаги вилоятлардан бирини унга тақдим этиб, у ерлик амирларни унга бўйсундирдим”-деб ёзилган.

Байроқ тарихига эътибор берсак, байроқ ёғоч ёки металл дастага, сим ёки қалинроқ қаттиқ тиркамага мустаҳкамланган, бир ёки бир неча рангли, давлат, қўшин, чегара, ҳудудни ажратувчи, давлатни ифодаловчи белгилар, безаклар тасвири туширилган муайян ўлчамдаги матода қўлланлган. Шу учун айрим тарихий манбаларда АЛАМ (араб. — аломуат, белги, нишона) ялов, туғ (байроқ); туғ, ялов каби номлар билан ҳам тилга олинган. Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асарида ҳам туғ, ялов каби маълумотлар бор. Жумладан, асарда шундай мисралар: “Агар рухсат қилсангиз, олдингизда байроқ кўтариб кирур эдим, - деди. Расулуллоҳ бу ишни маъқул кўриб ... Дарҳол Бурайда бошидаги дасторидин йиртиб, байроқ ясад, кўтарган ҳолда Мадинаға кирдилар”.

Бизнинг тарихий меросимиз бугунги кунда хорижий давлатлар музейида сақланар экан, тарихимизни ифода этган VI-VIII асрларга оид Хоразм кумуш идишидаги қасрни қамал қилаётган қўшин тасвирида турли байроқлар ва туғлар туширилган идишни Эрмитажда сақланмоқда. Қувонарли томони байроқлар тасвири сақланган. Тасвирдан англавш мумкинки, байроқ ҳарбийларга куч ва ғурур

бериши учун жанг чоғида баланд күтарилиган ва ғалаба қозонилиши билан чодирга қадаб қўйилган. Ялов эса ҳилпирамоқ сўзини аглатиши билан бирга қўшинни, ҳудудни белгиси сифатида калта таёқقا мустаҳкамланиб, ўтовлар ва бинолар тепасига осиб қўйилган. Тарихда байроқлар энг кўп қўлланилган соҳа - ҳарбий ҳамда денгиз кемаларига хос қўлланлигани. Кема қайси давлатга мансублигини англаған. Байроқ ёрдамида дўст-душмандан ажратилганган. Байроқ тарихдан муқаддас ҳисобланган, уни йўқотиш, ёки ўғирланса, қўшинга руҳий таъсир этган ҳамда бу душманга қўл келгани боис ҳам, Амир Темур байроқни фақат баҳодирларга ишонгани “Темур тузуклари”да қайд этилган. Амир Темур 1370 й. Балх ҳокими амир Ҳусайнга қарши қўшин тортиб бораётганда, Термиз яқинидаги Биё қишлоғида маккалик шарифлардан Сайийд Барака унга олий ҳокимият, салтанат рамзи катта ноғора — табл ва ялов — байроқ тортиқ қиласди. Барокхон 1423— 27 й. ларда Улуғ Муҳаммад устидан ғалаба қилиб, Оқ Үрдада ҳокимият тепасига келгач, Улуғбек унга қимматбаҳо совғалар, шунингдек, Ноғора ва байроқ ва юборганилиги маълум. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида Ноғора ва байроқ олий бош қўмондоннинг баланд ерга ўрнатилган ҳиргоҳи олдидан жой олган, жангчиларни руҳлантирувчи куйларни тинмай ижро этиб турган. Ноғора ва байроқдан эшитилувчи мусиқа овозининг тиниши муайян даражада мағлубиятдан дарак берган. Саройларда Ноғора ва байроқ дарвоза устидаги хонага жойлашган.

Мирзо Улуғбек ҳам Чингизхоннинг оқ туғи ҳақида маълумот қолдирган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дунёга машҳур “Бобурнома” асарида туғлар билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни албатта ёшлар ўқиши лозим. Демак, тарихий манбаларда келтирилган туғ ҳам муқаддас ҳисобланиб, халқнинг ҳамда қўшининг ҳимоячиси сифатидаги аҳамиятини кўрсатади. Туғлар ҳарбий бўлинмаларда ҳам қўлланилиб, ҳар қайси ҳарбий қисмнинг маҳсус тамғалари билан ифодаланган. Туғ — қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, вазирлик, беклик ва белгиси бўлиб, у ҳўқиз ёки от думидан ясалган. Туғ мозийда Осиёнинг бир қанча давлатларида (Хитой, Ҳиндистон) қўтос ҳамда тибет ҳўқизи думидан ясалган бўлса, турклар уни, асосан, отдан тайёрлаганлар. «Туғ» атамаси илк марта бир ўйғур хоқони шаънига битилган Шинеусу (8-а. ўртаси) ёдномасида кўзга ташланади. 1202 й. Чингизхон Ўнан (Онон) дарёси бўйида 8 туғни тиккан ҳолда салтанат ташкил топганлигини эълон қиласди. Ислом дини қабул қилингандан кейин ҳам туркий давлатларда Туғ қўлланишда давом этди. Чингизхон салтанатида, Салжуқийлар, Мамлуклар, Қорахонийлар, Усмонийларда бўлгани каби, Туғ Темурийларда ҳам мавжуд эди. Туман беги «баҳодир» фахрий унвони қатори Туғ довул ҳамда тумантуғ ва чортуғлар билан шарафланган.

Усмонийлар салтанатида санжақбейлар битта, бейларбейлар 2 та, вазирлар 3 та, шайхулисломлар 2 та, қози аскарлар битта, яничери бошлиқдари битта, подшохлар эса 6 та Туғга эга бўлганлар. Подшоҳ Т. лари туғи шоҳий ёки туғи ҳумоюн деб

юритилган. Ҳарбий сафарлар чоғида Түғларни күтариб юрувчи шахслар түғчи атамаси билан ифодаланган;

Шунга кўра қўйидаги лавозимлар вужудга келган: түғлуқ- “түғ эгаси”, тўқсоба – “ўз түғига эга бўлган ҳарбий қисм бошлиғи” лавозимлари жорий этилган. Шу боис ҳам түғлар ҳокимиёт рамзи сифатида хизмат қилган. Бўри бошли түғлар бўрини ўз тотеми – илк аждоди деб ҳисоблаган кўплаб туркий давлатлар ва ҳалқлар томонидан қўланилган. Жумладан. олтиндан ясалган бўри калласи тамғаси туркларнинг байроғида ўз аксини топган. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумот беришича, Қорахоний ҳукмдорлар “тўққиз түғлиқ хон” ёки хоқон унвони билан улуғланган. Анъанавий қадимги түғлар узун таёққа маҳкамланган от думи ёки бир тутам от ёлидан иборат бўлган. Кейинчалик түғларга қўшимча равишда турли ҳажмдаги мато парчалари, тасмалар илинган. Бу түғлар ҳам баҳодирлар қўлида ҳалқни, қўшинни эргаштирса, иккинчи томондан душман тарафга ғулғула, вахима солган. Түғга илинган мато эса ҳаво билан тўлганда осмондан учиб бораётган аждарнинг тасвирини берган.

Кейинчалик хонликлар даврида ҳам байроқлар янада ўз тасвирига эга бўлтб, Қўқон, Хива, Бухоро хонлигини ажратиб турган. Мантиқий тарихий ривожида Ҳожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асарида ҳам мазкур даврга хос байроқ билан тегишли маълумотлар келтирилган. Низомулмулкнинг “Сиёсатномаси”да ҳам давлат тамғаларининг аҳамияти баён этилган. Демак, янги Ўзбекистон ёшлари баёроғимизнинг тарихий-маънавий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ ва таҳлил этишлари бугунги кун учун ўта муҳим деб ҳисоблар эканман, давлат байроғининг муқаддаслиги ҳақида гапирганда, муқаддас сўзига эътибор бермоқ керак, яъни бу сўз қайси қандай маънода ишлатилишига ҳам аҳамият беришни доиз деб хисобладим. Муқаддас замин, муқаддас, она, аёл, ватан, муқаддас-оила, муқаддас нон, каби улуғлар эканмиз, байроқ ҳам шундай бебаҳо ва муқаддасдир. , унда миллат, давлат, ҳалқнинг, юртнинг орзу-умиди, манфаати ифода этганини мазкур Қонунда кўриш мумкин. Жумладан, Қонуннинг 2 — 3-моддаларида байроғимиз Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгилаб қўйилди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги навбатдан ташқари VII сессиясида тасдиқланган қонунга кўра, давлат байроғи – мамлакат давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланиб, у ер юзининг шу сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради.

Зеро, бу кун ҳалқимизнинг фахру-ғурурига айланган, қаддини баланд кўтарган спортчиларимизнинг ғалабаларида ҳалқаро майдон узра қулоч очган байроғимиз ҳар қачонгидан ҳам янада қадрлироқ бўлди, десак айни ҳақиқат бўлади. Чунки давлат байроғи ва ундаги ҳар бир белги, ранг, жило бугунги Ўзбекистон ҳудудида қадимда мавжуд бўлган тарихий жараёнларни, давлатларни мантиқан боғлиқлигини ўзида

мужассам этган ҳамда миллий-маданий анъаналаримизни ҳам ифода этган ранглар билан ажралиб туради.

Конституяцилизнинг 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Шунингдек, байроғимиз ўзида бутун Ўзбекистон халқининг асрий орзу-истаклари, ғайрати ва шиҷоатини, халқимизга хос меҳмондўстликни мужассам этган.

Жумладан, байроқдаги мовий ранг — унинг остида барча миллатлар турли хил хавф-хатарлардан холи, эмин-эркин ҳолда аҳил-иноқ яшаб келаётган мусаффо осмонимиз ҳамда оби ҳаёт рамзидир. Байроқдаги оқ ранг — давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжиҳатлиқда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағрикенглик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаёттанининг тимсоли. Яшил ранг эса табиатнинг янгиланиши ҳамда она-юртимизнинг бепоён еру серҳосил далаларининг рамзидир. Мана бугун “Яшил макон” лойиҳаси ҳам байроқдаги рангларнинг амалий ифодаси бўлса, қизил ҳошия юқоридаги манбаларда қайд этилган давлатимизнинг ҳимояси учун тўкилган қон, истоқлол орзусини ифода этади. Ярим ой ва 12 юлдуз эса, “Илму Нужум”ни акс эттирадики, ўқувчи ёшларимиз унинг моҳиятини албатта ўқаб ўрганишади, деган умиддаман.

Давлат рамзларимизга бўлган эътибор ва ҳурмат нуқтаи назаридан 2010 йилнинг 24 декабря “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айrim қонун ҳужжатлариiga ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди. Зеро, давр ўтиши билан қонунлар ҳам даврга мөқ тақомиллашиб бориши лозимлигини биламиз. Шу боис, ушбу Қонунга биноан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунлар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Уларга асосан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмидаги “Янги ой ва юлдузларнинг” деган сўзлар “Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилган. Бу эса байроғимиз тасвири ҳақидаги ранглар мазмунини аниқлаштириди. Энди энг асосийси, бугун давлат байроғимиз Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида қайд этилганидек, давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин. Шу боис ҳам, бугун миллий байроғимиз давлат идора ҳамда мұассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги әлчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Қонуннинг 13-моддасига

мувофиқ, фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар давлатимиз байроғини ҳурмат қилишлари шарт ва унга беҳурматлик учун жазо муқаррар.

Байроғимиз давлат идора ва ташкилотлари, таълим мұассасалари, ҳарбий қисмлар — қўйингки, барча сарҳадларида ҳилпираб турибди. Қуролли кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим мұассасаларини тамомлаган ёшларимиз Давлатимиз байроғи пойида Ватанни кўз қорачиғидай асраш, уни ўз шаъни ва номусидай мұносиб ҳимоя қилишга қасамёд қиласди. Бугун турли байрам тантаналари, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, нұғузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттиrmоқда. Масалан, жорий йилда Японияда ўтказилган Олимпия ўйинларида, ҳаяжонли лаҳзаларда— она ютимиздан узок-узокларда, чексиз үммөнлар ортида Ватанинг энг улуғ қўшиғини янгратган , кўксимишни тоғдек кўтарган давлат байроғимизнинг ҳилпирагани, мустақиллигимизнинг 30 йиллиги араfasида 9 август куни Тошкент халқаро аэропортида Токи-2020 Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон делегациясини кутиб олиш маросимида самолётдан бокс бўйича супероғир вазн тоифасида Олимпия ўйинлари чемпиони бўлган Баҳодир Жалолов Ўзбекистон байроғини қўлида кўтариб чиққани халқимизни тўлқинлантиргани кўз ўнгимда. Фаҳр туйғуси жўш урган пайтда ўзга элларда юртимиз байроғини баланд кўтарган музaffer спорчиларни номма-ном тилга олгинг келади.

Спорчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилгани унутилмас лаҳзаларни бахш этган онлардир. Қашқадарёда Ўзбекистондаги энг баланд чўқчи — «Ҳазрати Султон»га юртимиз байроғи ўрнатилди. «Ҳазрати Султон» чўққисининг баландлиги 4643 метрни ташкил этади. Мана, 30 йилдирки, у халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳонаро ифодаси, халқимиз ғурури ва ифтихори тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугина эмас, дунё мамлакатларидаги элчиноналаримиз бинолари, қатор халқаро ташкилотлар қароргоҳларида ҳам байроғимиз Ўзбекистон рамзи бўлиб турибди. Чет элларда юрганимизда ўша ерда ҳилпираб турган байроғимизга кўзимиз тушиши билан юрагимизда чексиз фаҳр уйғонади, руҳимиз кўтарилади. Байроғимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида ҳам Ўзбекистон деган ҳимоячимиз, суюнчиғимиз борлигини ҳис қиласми.

Куни –кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқини тинглаб кузатар эканмиз, мазкур минбарда ҳам Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб туриши: тенглар ичра тенглигимиз тимсолидир.

Давлат рамзлари мұқаддас: уларни ҳурмат қилиш бурчимиз эканлигини эслатар эканман, шунинг қаторида Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан қүйидаги:

биринчидан, нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материаларида шунингдек, ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларн) ўтказиш учун тижорат мақсадида фойдаланиш мүмкін әмаслини айтишим ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мүмкін әмас.

Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунчилик ижросини таъминлаш давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузиш фуқароларга БХМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Дарҳақиқат, давлат рамзлари ҳамиша мұқаддас ва улуғ саналади. Ана шундай миллатимиз, давлатимиз рамзи байроқ қабул қилинган кун — 30 йиллик байрам ҳалқимизга ярашади. Чунки у ҳалқнинг, Ватаннинг ёрқин тимсоли бўлиб. Тенглар ичра тенг ҳалқаро майдонда ҳилпираётган шараф-шонимиздир. Қувонарли томони вилоятларда, Тошкент шаҳрида, шаҳар ва туман марказларида осмонўпар баландликдаги байроғимизнинг ҳалпираб турганининг ўзи ёшларимизда ватанпарварлик руҳини оширса, самолётдаги фуқароларга байроқ ҳаяжон ва қувонч бахш этиши байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолатdir.